

2

2025 йил 25 октябрь, 219-сон

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ

7 ФОИЗ

ЎСИШИ КУТИЛМОҚДА

Шарҳ

2025 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти 7 фоиз ўсиши, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот эса 3500 доллардан ошиши кутилмоқда. Ўзбекистон иқтисодиёти ташки омиллар билан боғлиқ хатарларга қарамай, жорий йилда юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолади. Бу ҳақда Тошкентда бўлиб ўтган “Инвесторлар куни”да маълум қилинди.

20

фоизгача қисқарди, бу эса миллий валютага ишонч ўсишига хизмат қилмоқда.

2024-2025 йилларда Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда молия секторини баҳолашнинг биринчи дастури (FSAP) ўтказилди. FSAP миссияси назорат, стресс-тест, корпоратив бошқарув ва муаммоларни ҳал қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қимматли тавсиялар берди.

FSAP дастури хулосалари асосида Марказий банк бир неча йўналишда, жумладан, рискларни баҳолаш асосидаги назорат, ликвидликни тартибга солиш, макропроденциал назорат ва инқирозга қарши бошқарув механизмлари бўйича асосий тавсияларини амалга ошириш учун кенг қамровли ҳаракатлар режасини қабул қилди.

Бу инвесторлар учун нима сабабдан муҳим? Чунки бу Ўзбекистон молия тизими янада барқарор, шаффоф ва башорат қилиш мумкин бўлган муҳитга сиқийётганини аниқлади.

Бундан ташқари, Марказий банк инновацияларни рағбатлантириш билан бир вақтда истеъмолчилар ҳимоясини таъминлайдиган “Buy now pay later”, яъни “Хозир сотиб ол, кейин тўла” сегментини тартибга солиш меъёрларини ишлаб чиқмоқда.

Яқин келажада исломий молиялаштириш бўйича янги қонун қабул қилиниши асосланган банк маҳсулотлари ва воситаларини жорий этиш имконини беради.

Ушбу қонун нафақат молиявий тизимизни хилма-хил қилади, балки Яқин Шарқ, Жануби-шарқий Осиё ва бошқа минтақалардан ислом молиси стандартлари бўйича ишлашдан манфаатдор инвесторлар учун янги имкониятлар яратади.

Юнус БЎРОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

yuz

Нигоҳ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

КАСАБА УЮШМАЛАРИ – БАРҚАРОР ЖАМИЯТ АСОСИ

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган, одамлари эмин-эркин яшаб, меҳнат қилиб, даромад топадиган мамлакатда давлат ҳам, жамият ҳам ривожланади. Халқпарвар ижтимоий давлат қуриш йўлидан дадил одимлаб бораётган янги Ўзбекистондаги ислохотлар айнан шундай эзгу мақсадларга йўғрилган. Сўнгги йилларда бу йўналишда “Инсон қадрини оқшатиш” деган эзгу ғоя асосида барча соҳада кенг қамровли янгиланишлар амалга оширилди.

Биринчи ярим йилликда ялпи ички маҳсулот 7,2 фоиз ўсди. Халқаро валюта жамғармасининг қарз барқарорлиги бўйича сўнгги таҳлилига кўра, ташқи ва умумий қарз юки борасида хатарлар паст даражада деб баҳоланмоқда. Давлат қарзини кўрсаткичлари сезиларли даражада пастлигича қолмоқда. Халқаро ташкилотнинг ушбу эътирофи хорижий инвесторларнинг мамлакатимизга ишончини ошириш билан бирга уларнинг Ўзбекистон бозорига дадил киришига ҳам катта туртки бўлмоқда.

Мутахассислар таъкидлашча, 2025 йилнинг май ойи бошида ўтказилган энергия тарифлари либерализациясига қарамай, инфляция кўтарилиб кетмади. Сентябрь ойида инфляция даражаси 8 фоизгача секинлашди. Бу кўрсаткич йил охиригача шу даражада сақланиб қолиниши кутиляпти.

Ўзбекистон молия тизими башорат қилиш мумкин бўлган муҳитга томон силжимоқда. Марказий банк эса асосий ставкани бозор учун аниқ ва ишончли сигналга айлантиришга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон Марказий банки 2025 йилда инфляция даражасини инфляцияцион таргетлаш доирасида белгиланган 5 фоизли мақсадли кўрсаткичга яқинлаштириб, 8 фоиз атрофида сақлаб қолишни мўлжалламоқда. Бу ҳақда Марказий банк раиси Тимур Ишметов маълум қилди.

— Инфляция пасайиш тенденциясида ва биз уни бир хонали сонда — тахминан 8 фоиз даражасида сақлаб қолишни мўлжаллаяпмиз. Йил якунига 5 фоизли мақсадли кўрсаткичга яқинлашамиз, — дея баёнот берди у.

Халқаро захираларимиз ҳажми ҳам рекорд даражадаги 55 миллиард долларга етди, бу эса иқтисодиёт учун ташқи шоклардан кучли ҳимоя ёстиқчаси вазифасини бажаради. Бундан ташқари, сузувчи валюта курси ҳам Ўзбекистон ички иқтисодиётига мослашувчанлик имконини бермоқда.

“Марказий банк раисининг маълум қилишича, кредитлаш, айниқса, кичик ва ўрта бизнес, ипотека кредити ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ўсишда давом этмоқда, бу эса инклюзив ўсишни қўллаб-қувватлайди ва молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятини оширади. Шу билан бирга, қарз долларизацияси билан боғлиқ вазият сезиларли даражада яхшиланмоқда.

Марказий банк асосий ставкани бозор учун аниқ ва ишончли сигналга айлантириш мақсадида пул-кредит сиёсати самарадорлигини оширишда давом этмоқда. Яъни Марказий банк асосий ставка кредитлар ва омонатлар бўйича фоиз ставкаларига, шунингдек, банклар, инвесторлар ва корхоналар ҳатти-ҳаракатларига чинакамига таъсир кўрсатишини истайди.

Эътироф этиш керакки, сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистон банк тизимида кенг кўламли трансформация жараёнида амалга оширилди. Рақамлаштириш, корпоратив бошқарув ва рискларни бошқариш соҳаларида сезиларли ўсишга эришилди. Хусусан, банк тизими барқарор, фойдали ва яхши капиталлашди. Жами активлар 72 миллиард долларга етди, капитал етарлилиги 18 фоизни ташкил

этмоқда. Бу меъёрий талаблардан анча юқори. Хусусий секторга ажратилган кредитлар умумий кредитлаш ҳажмининг 86 фоиздан ортигини ташкил этади.

Марказий банк раисининг маълум қилишича, кредитлаш, айниқса, кичик ва ўрта бизнес, ипотека кредити ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ўсишда давом этмоқда, бу эса инклюзив ўсишни қўллаб-қувватлайди ва молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятини оширади. Шу билан бирга, қарз долларизацияси билан боғлиқ вазият сезиларли даражада яхшиланмоқда.

Бир неча йил олдин барча кредитларнинг 50 фоиздан ортиғи хорижий валютада берилган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 30 фоизга тушди. Хорижий валютадаги омонатлар улуши қарийб

МАҲАЛЛА — ЯНГИЛАНИШ МАНЗИЛИ

Кейинги йилларда маҳалла тизими тубдан ислох қилинди. Натижада одамларнинг ишончи мустаҳкамланди. Чунки аҳоли ўзини қийнаётган муаммолар юзасида маҳаллага мурожаат қилиб, шу ернинг ўзида барча саволларига жавоб оладиган халқчил тизим яратилди.

Азизжон ЖУМАНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Навбахор тумани бўлими бош
мутахассиси, “Маҳалла ифтихори”
қўқрак нишони соҳиби

Узоқ йиллар Навоий вилоятининг Навбахор тумани Бешработ маҳалласида раис бўлганман. Биз ишлаган пайтдаги маҳаллалар билан ҳозиргилари ўртасида жуда катта фарқ бор. Давлатимиз раҳбарининг маҳалла тизимини янада такомиллаштириш ва жойларда ишларни самарали ташкил этиш масалаларини юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида иштирок этиб, бунга яна бир бор амин бўлдим.

Жорий йилнинг май-июль ойларида маҳалла фуқаролар йиғини раиси сайлови ўтказилган эди. Унда халқ ўзи ишонган, маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун аниқ дастурга эга номзодларни сайлади. Туманимизда 38 та маҳалла бор. Уларнинг барчасида “маҳалла еттилиги” ишни ташкил этишда раисга елкадош бўлмоқда.

Президентимиз йиғилишда алоҳида ургу берганидек, жорий йилдан бошлаб маҳалла раисларининг ваколат муддати 3 йилдан 5 йилга узайтирилди. Улар бошчилигида “еттилик” вертикал тизими яратилди. Етарли шароит, ресурс ва ваколатлар берилди. Ҳар бир имкониятини лойиҳага айлантириб, иш ўрни яратиш учун маҳаллаларга банкир ва солиқчилар бириктирилди. Инфратузилмага ҳам алоҳида маблағ ажратилмоқда.

Бугуннинг гапи

Яна бир эътиборли жиҳат, туманимиздаги маҳаллаларга вилоят ва туман даражасидаги раҳбарлар бириктирилди. Улар “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш учун масъул этиб белгиланган. Бу ўз натижасини бермоқда. Ҳар бир маҳалладан танлаб олинган камбағал оилаларнинг даромадга кириши, фарзандлари таълим-тарбияси, уй-жой шароитини яхшилашга эришиляпти.

Президентимиз қайси ҳудудда бўлмасин, албатта, маҳаллага кириб бормоқда. Халқимиз билан самимий суҳбат қилиб, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, одамлар дунёқарашини ўзгартиришга эътибор қаратмоқда. Бугун одамларнинг кайфияти ҳам, руҳияти ҳам, бажараётган ишлари ҳам янги Ўзбекистонга мос бўлмоғи лозим. Ҳудудларга янги Ўзбекистон руҳи кириб боришини таъминлаш мақсадида республика бўйича 330 та маҳалла танлаб олинди. Тез кунларда бу маҳаллалар таниб бўлмас даражада қиёфа касб этади. Албатта, бундай саъй-ҳаракат “маҳалла еттилиги”га катта масъулият юклайди.

Танлаб олинган туманларнинг ҳар бирига 100 миллиард, 330 та маҳалланинг ҳар бирига 5 миллиард сўмдан ажратилади. Йўл, инфратузилма, коммуникация ва ижтимоий-иқтисодий масалалар тўлиқ ҳал этилади.

Бу жуда катта воқеялик. Тўғриси, илгари маҳаллага бунча маблағ ажратилишини тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Йиғилиш давомида давлатимиз раҳбарининг маҳаллага эътиборини қўриб, дилдан қувондик. Маҳаллада мана шундай имкониятлар юзга келиши халқимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлайди.

Ўтган йилдан бошлаб солиқ тушумларининг 10 фоизни маҳалланинг ўзида қолиши амалиёти жорий этилди. Бу “еттилик” қанча кўп солиқ туширса, шунча кўп имкониятга эга бўлади дегани.

Президентимиз бу борада яна бир янгилликни эълон қилди. Жорий йилдан бошлаб Солиқ қўмитаси ер ва мол-мулк солиқларини тўланганлик даражасига қараб “Энг яхши солиқ тўловчи маҳалла” рейтингини эълон қилади. Бунда 100 талика кирган маҳаллага “Ташаббусли бюджет”нинг

янги тизими бўйича инфратузилма харажатиининг 75 фоизи бюджетдан тўлаб берилади. Шунингдек, ушбу маҳаллаларнинг ҳар бирига қўшимча 2 миллиард сўмдан ажратилади.

Тасаввур қилинг, бу қандай катта имконият! Мана шу тизимдан самарали фойдаланишнинг ўзи маҳалла муаммоларини буткул ҳал этиш имкониятини яратади. Бунинг учун, албатта, “еттилик” ишни тўғри ташкил этса, одамлар орасида тарғибот ишлари олиб борса, қутилган натижага эришилади.

Йиғилишда айтилган бир муҳим масала мени янада руҳлантирди. Сир эмас, узоқ йиллар табиятга тўғри муносабатда бўлмадик. Минглаб дарахтларни нобуд қилдик. Шу боис, ҳозирги глобал иқлим ўзгариши даярда “яшил макон” яратиш долзарб.

Энди “маҳалла еттилиги” яшил ҳудуд қилиш ташаббуси билан чиқса, туман хокими 10 сотихгача ер ажратиб бериши белгиланди. Илгари мана шундай ташаббус билан чиқаётган юртдошларимиз фақат рад жавобини олар эди. Тасаввур қилайлик, ҳар бир маҳаллада 10 сотихдан яшил ҳудуд барпо этилса, бу қанча кислород, қанча дарахт дегани. Ушбу муҳим масалага “маҳалла еттилиги” алоҳида эътибор қаратиб, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини бошлаб юборди.

Мажкур йиғилиш маҳаллалар ҳаётида улкан ўзгаришнинг янги босқичини бошлаб берди. Айниқса, маҳалла раислари айтилган ҳар бир сўздан тегишли хулосалар чиқариб, фаолиятини ташкил этса, қўзланган маррага, албатта, эришамиз.

Бу жараёнда, энг аввало, инсон ҳуқуқларини ва меҳнатни муҳофаза қилиш, ҳар кимнинг қафолатланган ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши учун зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Янги тахрирдаги Конституциямиз ва Меҳнат кодекси, шунингдек, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунлар бу жабҳадаги ишларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди.

Инсон қадрини улуғлаш борасидаги амалий ишлар кўлами ҳам кенгайиб бораётди. Ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли яқин-яқингача фаровон ҳаётимизга тўсиқ бўлаётган қатор салбий омиллар, жумладан, болалар меҳнати, мажбурий меҳнат каби ҳолатларга барҳам берилди. Бугунги саноят ва ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланишида меҳнатни муҳофаза қилиш, ҳар ким муносиб шароитда ишлаши ва меҳнатига яраша ҳақ олиши учун қулай инфратузилма яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳар бир вазирлик, идора, давлат ва нодавлат тузилмалар қаторида энг халқчил ва катта нодавлат ташкилот бўлган касаба уюшмалари бу йил 120 йиллик юбилейини нишонламоқда. Шунингдек, 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари кунига қизгин тарадуд қўриляпти.

Ушбу муҳим саналар арафасида Президентимиз касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашув ўтказди. Тадбирда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб, соҳа вакиллари билан мулоқот қилди.

Учрашувда қайд этилганидек, мамлакатимизда эркин ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги ислохотлар жараёнида ижтимоий институтларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, касаба уюшмаларининг эркин ва мустақил фаолият юртиши учун зарур шароит яратиб берилди. Ўз навбатида, касаба уюшмалари ҳам бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, жамиятимиздаги ислохотларга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хусусан, касаба уюшмалари корхона ва ташкилотларда меҳнатда онд ҳуқуқларни ҳимоя қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Кейинги йилларда 500 мингга яқин ходимнинг қонуний ҳуқуқлари ҳимоя қилинган, уларнинг фойдасига 267 миллиард сўм ундириб берилган бунинг исботи. Қолаверса, ишдаги бахтсиз ҳодалар туфайли жабрланган 1000 нафар ходимга 35 миллиард сўм тоvon пули тўлаб берилди. Ноҳақ бўшатишган 13 минг ходим ишга тикланди.

Касаба уюшмаларининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи ҳам ортиб бормоқда. Федерация ташаббуси билан 2021 йилда Тошкент шаҳрида Марказий Осиё

давлатлари касаба уюшмалари кенгаши тузилди. 2023 йилда Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотига асос солинди. Ўтган йили Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясига аъзо бўлган федерациянинг мавқени янги босқичга олиб чиқадиган тарихий воқеа бўлди.

Учрашувда касаба уюшмалари фаолиятини янада ривожлантириш ва меҳнат муносабатларини такомиллаштириш бўйича галдаги вазифалар муҳокама қилинди.

— Мажкур учрашув 8 миллионга яқин аъзоси бўлган йирик ташкилотимиз учун катта тарихий воқеа бўлди, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадиев. — Тадбирда тизимда қилинаётган ишлар, эришилаётган натижалар таҳлил этилиши баробарида олдимизда турган вазифалар ҳам белгилаб берилди. Хусусан, касаба уюшмалари фаолиятини

такомиллаштириш, меҳнат муносабатларини янгича тамойиллар асосида ривожлантириш бўйича бир қанча тақлифлар, ташаббуслар илгари сурилди.

Жумладан, келгуси йилдан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига онд қонунчилик ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқишга Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама республика комиссиясини (Касаба уюшмалари федерацияси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иш берувчилар конфедерацияси) ҳам жалб қилиш таклиф этилди. Бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилашда ходимлар манфаатини қафолатган ҳимоя қилиш бўйича янгича ёндашув бўлади.

Глобаллашув ва рақамли тараққиёт шароитида меҳнат муносабатлари соҳасида янги шакллар ҳам кенг оммалашмоқда. Бу имкониятлар туфайли 6 миллионга яқин киши ўзини ўзи банд қилиб, рўзгор тебратмоқда. Маҳаллаларни драйвер соҳаларга ихтисослаштириш ҳисобидан 1,5 миллион оила ўз хонадонида ишлаб, даромад олмақда. Ана шундай янгича тизимларда фаолият юритаётганларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам долзарб вазифалардан.

— Ҳар бир инсонга муносиб меҳнат, касб соҳасида ўсиш, дам олиш ва саломатлигини тиклаши учун зарур шароит яратиш юртимиздаги ислохотларнинг муҳим йўналишидир, — дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ходими Анора Бобомуродова. — “Ижтимоий давлат” мақомини олган мамлакатимизда бу борада кенг қамровли ишлар қилиняпти. Янги тахрирдаги Конституциямизда пенсия, нафақа ва ижтимоий ёрдамлар миқдори энг кам истемол харажатларидан оз бўлмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Биринчи марта минимал истемол харажати ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ҳар йили ошириб бориляпти.

“Ҳаёт сифати нафақат иш ҳақи, балки ижтимоий муҳит билан ҳам белгиланади. Бунинг учун меҳнаткашларнинг уй-жой, замонавий тиббий хизмат ва бошқа муҳим эҳтиёжларини қафолатли таъминлаш, энг зарур ҳаётий эҳтиёжларига етадиган даромад топишига шароит яратиш йўлида изчил ислохотлар амалга ошириляпти.

Тадбирда “Кучли касаба уюшмалари — кучли жамият асоси” деган ташаббус билан касаба уюшмалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва меҳнат муносабатларини ривожлантириш бўйича истиқболдаги вазифалар белгилаб берилди. Касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик юбилейи муносабати билан меҳнаткаш халқимизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром ифодаси сифатида ҳар бир ҳудудда “Касаба уюшмалари бoғлари”ни барпо қилиш таклиф этилди. Ушбу чора-тадбирлар ўз вақтида бажарилиши меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш, энг муҳими, инсон қадрини қўллаб амалга оширилаётган ислохотлар бардавомлигига асос бўлади.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЭНГ ОЛИЙ САОДАТ

ЭЛ-ЮРТ МАНФААТИ УЧУН КУРАШИБ ЯШАШДИР

Инсоният бошдан кечирган минглаб урушлар таҳлили юртини ҳимоялай олган халқларгина ўз давлатига эга эканини кўрсатмоқда. Ер юзиде 4000 дан зиёд элат ва халқ яшаши, аммо 200 га яқин мамлакат мавжудлиги фикримиз тасдиғидир. Инсоният тафаккури қанчалик тараққий этмасин, табиятнинг фақат қучилишга омон қолишига оид аёвсиз қонуни бугун ҳам ўзгармаганини сезиш қийин эмас. Ватан мустақиллиги, тинчлиги ва тараққиётини таъминлаш айни пайтда ҳам долзарблигини йўқотмаган.

бординг, лекин бошқаларни юртимизга таклиф қилмасдик.

Одамлар паноҳини, муаммоларига ечимни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан эмас, жиноят олами вакилларидан кутадиган даврда ҳам яшайди. Транспорт ва зарур воситалар, ёнлиги етишмаслиги, моддий-техник базанинг заифлиги фаолиятимиз самарадорлигига, тизим нуфузига жиддий таъсир кўрсатганди. Ҳатто ички ишлар органлари ўз қонунига эга эмасди.

Соҳа вакиллари зиммасига фаолиятга мутлақо алоқаси бўлмаган топшириқлар юкланар, хусусан, куз келаверса, аҳолини пахта терими-га жалб қилиш таъминига тушиб қоларди. Булар ҳаммаси омманинг ҳақли эътирозларига, тизим ҳақида салбий тасавурлар уйғонишига сабаб бўларди. Шунга қарамай, ходимлар ўз бурчини сидқидилдан бажаришининг уйдасидан чиқарди. Билим ва тажрибага таянган ҳолда жиноятлар очилар, жазо муқаррарлиги таъминланарди.

Кўпчилик билса керак: ўша даврда мамлакатимиз чегараларининг бир қисми ички ишлар органлари ходимлари томонидан кўриқланарди. Соҳа вакиллари ушбу вазифани

Ғайрат ҚОДИРОВ,
Жиззах вилояти ИИБ бошлиғи,
генерал-майор

Юртимиз истиқлоли ва раванқини таъминлашдек улутвор мақсад йўлида ички ишлар органлари хамиша халқимиз билан ҳамнафас, ҳамқадм бўлиб келяпти. Бунга эллик йиллик хизматини давомида тўла ишонч ҳосил қилганман. Ана шу даврда қўллаб яхши-ёмон воқеаларга гувоҳ бўлганам ҳам рост. Жумладан, ўтган асрнинг 80-йилларида ходимларнинг бошқа ташкилотлардан ажратилган юк машиналари ёхуд тракторларда воқеа жойига чиқи-ши ҳеч кимни ажаблантирмади. Мазкур муам-мо сабаб қўлга олинган жиноятчи ички ишлар бўлимига яёв ёки автобусда келтирилиши тез-тез кузатиладиган ҳодиса эди.

Асримиз бошларида ҳам вазият унчалик ўз-гармади. МДХга аъзо давлатларда ўтказилган тадбирларда хориқлик ҳамкасбларимизга қан-ча маош олишимизни айтишга тортинадиган пайтларимиз ҳам бўлган. Сиесий ва иқтисодий сабаблар боис, Тошкент халқаро анжуманлар ўтказиладиган майдон сифатидаги мавкеи-ни қариб йўқотганди. Яъни бошқа давлат-ларда ўтказиладиган йиғилишу тадбирларга

фуқаро, гумонланувчи, айбланувчи ва жиноятчи ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларга диор тушун-мовчиликлар барҳам топди. Хизмат автомаши-налари, яроғ ва воситалар, ёнлиги етишмаслиги каби муаммолар ўтмишда қолди.

Тизимнинг моддий-техник базаси изчил такомиллаштирилмоқда. Чунончи, ўтган 8 йилда Жиззах вилояти ички ишлар орган-ларига қарашли 30 дан зиёд муассаса таъ-мирланди, янгилари барпо этилди. Хусусан, Зарбдор, Дўстлик ва Пахтакор туманлари ички ишлар бўлимлари, вилоят ИИБ жамоат тартибини сақлаш бошқармаси, “102” хизма-ти, тиббиёт бўлимида қулай хизмат шариити яратилди.

Айни вақтда Янгйобод тумани ИИБ жамоа-си учун бино қурилмоқда. Ғалларол тумани ИИБ биноси капитал таъмирланётди. Кейин-ги 2 йилда Бахмал тумани ИИБ ҳамда вилоят ИИБ тежор вазифаларини бажарувчи сафарбар отряди учун бино, тиббиёт бўлими ҳудудида 4 қаватли даволаш муассасаси, Зомин тумани-да 100 ўринли реабилитация марказини қуриш, Жиззах шаҳри ички ишлар бошқармасини ка-питал таъмирлаш кўзда тутилган.

Янгиланган жараёни шахсий таркиб-нинг касбий маҳоратини ошириш, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини кучайтиришга қаратилган имкониятларимизни ҳам кенгай-тирди. Ички ишлар органлари раҳбарларининг волейбол ва аралаш жанг бажартириш ривожлан-тиришга масъл этиб белгиланган соҳа вакил-ларини спортга янада яқинлаштирди. Вилоят ички ишлар органлари ходимларининг 8 на-фари жаҳон ва халқаро, 27 нафари республика миқёсидаги мусобақалар голлиби экани фикри-миз тасдиғидир.

Тизимдаги ўзгаришлардан яна бири ахборот технологиялари билан боғлиқ. Бугун дунёнинг энг чекка бурчагидеги воқеалардан ҳам бир неча сония ичида хабардор бўлиш, маълумот алмашлиш мумкин. Мазкур имкониятлар кўп-лаб соҳаларнинг мисли кўрилмаган даража-да ривожланишида муҳим омил бўлди. Аммо жиноятчилик ҳам ахборот технологиялари-дан усталик билан фойдаланаяпти. Иктимойи тармоқдаги фирибгарликлар, ўғриликлар,

иқтисодий ва молиявий тизимларга уюштири-лаётган киберхужумлар шулар жумласидан.

Ушбу технологиялардан вайронкор гоилар-ни тарқатишда ҳам фойдаланилмоқда. Шу маъ-нода, ИИБ ҳамда худудий ички ишлар бошқар-маларида кибержиноятларга қарши курашиш соҳавий хизмати шакллантирилиб, шахсий таркиб энг замонавий ускуналар билан таъмин-ланди. Қолаверса, Жиззах вилояти ИИБ “102” хизмати негизига “Қалқон” платформасини ишга тушириш устида ишланишти.

Ушбу платформа вилоятдаги барча куза-тув камераларини қамраб олади. Бу эса қиди-рувдаги ҳамда бедарак йўқолган шахсларни, олиб қочилган автомашиналар, ўғирланган ёки тушириб қолдирилган буюмларни топишда, пробация хизмати назоратидаги маҳкумларни кузатишда қўл келади. Шунингдек, соҳавий хизматлар ходимлари фаолиятида “e-raturl”, “e-probatsiya”, “e-material” каби 50 дан ортиқ дастур кен қўлланмоқда. Натижада маълумот олиш, алмашлиш ва таҳлил қилиш, ҳужжатлар-ни юритиш тезлашди, қулайлашди. Сўнгги 7 йилда шахсий таркибининг 180 та турли ру-сумдаги хизмат автомашинаси ҳамда 20 та мо-тоотранспорт билан таъминланди.

Бундан ташқари, “Хавфсиз худуд”, “Хавф-сиз маҳалла” каби тамойиллар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани одамлар кўнглини хотир-жам қилмоқда. Зеро, ҳар бир маҳаллага бир ёки икки нафар профилактика инспектори бири-ктирилган, ҳуқуқ-тартибот масканлари барпо этилаётгани, қўча ва йўлларга хавфсизлиги таъминланаётгани, кузатув камералари, ёрит-қичқлар ўрнатилиши, ойма-ой ўтказилаётган тежор ва профилактик тадбирлар аҳоли пункт-ларида осойишта муҳит яратиш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоялаш-га хизмат қилаяпти.

Соҳа вакиллари давлатимиз раҳбарининг “Эл-юрт манфаати учун курашиб яшаш — энг олий саодатдир” деган сўзларини шпорга ай-лантирган ҳолда янги Ўзбекистондаги ислохот-ларга уйғун фаолият юритишга интилмоқда. Мазкур жиҳат қонунбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид кўрсаткичларда яққол ақс этмоқда.

XXI аср халқаро муносабатлар тизимида фан, техника ва ахборот технологиялари интеграцияси глобал сиёсий жараёнларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бирига айланди. Шу нуқтаи назардан, космик соҳадаги фаолият нафакат илмий-техник тараққиёт кўрсаткичи, балки давлатнинг геосиёсий нуфузи ва инновацион салоҳиятининг ҳам муҳим индикатори сифатида намоён бўлмоқда. Замонавий “космик дипломатия” тушунчаси миллий манфаатлар, хавфсизлик, ахборот суверенитети ва иқтисодий барқарорлик билан чамбарчас bogʻliq бўлиб, у халқаро муносабатларда янги форматдаги мулоқот ва ҳамкорлик майдонини яратмоқда.



Жавоҳирхон СОБИРОВ,
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси катта ўқитувчиси,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори

Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) доирасида бу соҳада ҳамкорлик йўлга қўйилиши тузилманинг янги стратегик йўналишларидан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, ташкилотга аъзо мамлакатларнинг умумий илмий тадқиқот салоҳияти, кадрлар захираси ва географик устуңликлари нисбати ҳисобга олган ҳолда космик дипломатия соҳаси уларнинг интеграция жараёнида “инновацион кўприк” вазифасини бажариши мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу борадаги ислохотларни миллий ва минтақавий миқёсдаги тараққиёт омилли сифатида кўради. Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигида



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



КОСМИК ДИПЛОМАТИЯ

ЯНГИ ФОРМАТДАГИ МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИК МАЙДОНИНИ ЯРАТМОҚДА

масофавий мониторинг тизимларини жорий этиш зарурлигини таъкидлаб, бундай деган эди: “Ер ва сув ресурслари тақдири тўғрисида рақамли бошқарув ва космик маълумотлар билан bogʻliq. Биз бу соҳада замонавий ечимларга таянишимиз шарт”.

Мазкур иқтисоддан кўриниб турибдики, Ўзбекистон раҳбарияти космик соҳани миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатида кўриб, унинг туркий интеграция доирасидаги ҳамкорлик салоҳиятини кучайтиришга катта аҳамият қаратмоқда.

Туркий давлатлар ташкилоти ривожланиб бораётган минтақаларо тузилмалардан бири. У туркий тили мамлакатларнинг этнолингвистик бирлиги асосида ташкил топган. Ташкилотнинг асосий мақсади аъзо давлатларининг ҳар томонлама дўстлик ва ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган.

Президентимизнинг очик ва прагматик ташқи сиёсати, узоқ ва яқин давлатлар билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари туфайли кейинги йилларда Ўзбекистоннинг дўстлари, хайрихоҳлари кўпайди. Қўшни, яқин ва узоқ мамлакатлар билан мутлақо янги, соғлом сиёсий ва иқтисодий алоқалар йўлга қўйилди. Халқаро ҳамкорлиқнинг янги йўналишлари, механизмлари жорий этилмоқда. Туркий давлатлар ташкилоти ана шундай мулоқот майдонларидан биридир.

Ўзбекистон ТДТга аъзолик мақомини қабул қилиш истагини билдирганда, албатта, бундай ҳамкорлик формати доирасидаги шерикчиликка талаб ортиб бораётгани, ташкилотдаги мавжуд механизмлардан фойдаланиш мамлакат анъанавий шериклари билан ҳамкорлиқни янги сифат босқичига олиб чиқиши ва бу алоқаларнинг давомли ривожини туркий тили халқлар умумий манфаатларига хизмат қилиши муқаррарлигини инобатга олган.

Бугунги кунга келиб, ТДТга аъзо давлатлар қардошлик ва биродарлик руҳидаги ҳамда иқтисодий манфаатлар устуворлиги асосида шакллантирилган ҳамкорлиқнинг янги босқичи сари дадил қадамлар билан одимламоқда. Мамлакатлар етакчиларининг сиёсий иродаси, очик, конструктив сиёсатлари ва мунтазамлик касб этаётган олий даражадаги учрашувлар туфайли қардош халқлар



нинг кўп асрлик дўстлик ришталари қайта тикланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Марказий Осиё давлатлари тараққиётда муҳим омиллардан бири сифатида намоён бўлади.

ТДТ Озарбайжон, Туркия, Қозғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистонини бирлаштирган халқаро тузила сифатида ўзининг илмий-техник ва стратегик салоҳиятини умумий ривожланиш учун йўналиштиришда муҳим платформага айланмоқда. 2025 йил 23 апрель куни ТДТнинг космик агентликлари ва тегишли идоралари раҳбарларининг Боку шаҳрида бўлиб ўтган IV йилгишида аъзо давлатлар сунъий йўлдош дастурини ишлаб чиқиш, маълумотлар алмашинуви, кадрлар тайёрлаш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга келишиб олинди. Бу ташаббус туркий дунёда илмий-техникавий интеграция жараёнини янги босқичга олиб чиқди.

Космик дипломатия давлатлар ўртасидаги ҳамкорлиқнинг янги кўриниши бўлиб, унинг мақсади космосдан тинч мақсадларда фойдаланиш, ахборот алмашинуви, сунъий йўлдош технологияларини ривожлантириш ва инсонларар мақсадлардаги илмий тадқиқотларни мувофиқлаштиришдан

тизмларини яратиш орқали давлатларнинг ахборот соҳасидаги мустақиллиги таъминланади. Бу эса ташқи таъсирларни рақамлаштириб, миллий хавфсизлиқни мустаҳкамлайди ва минтақадаги сиёсий барқарорлиқни кафолатлайди.

Бизнинг келажатимиз илм-фан ва инновация билан чамбарчас bogʻliq. Бу соҳадаги ҳамкорлик туркий дунё интеграциясининг энг муҳим таянчи бўлиши керак. Туркий давлатлар технология суверенитетини кучайтириш туркий дунёнинг келажакни белгилловчи омил бўлади. Шу тариқа космик дипломатия нафакат фан соҳасидаги ютуқлар учун, балки сиёсий мустақиллик ва минтақавий тенгликни таъминлаш воситаси сифатида ҳам стратегик аҳамиятга эга.

Космос соҳасидаги ҳамкорлик туркий мамлакатлар иқтисодиёти учун янги имкониятлар эшитгини очмоқда. Сунъий йўлдош орқали масофавий мониторинг тизимларини йўлга қўйиш қишлоқ хўжалиги, сув ресурсларини бошқариш, геология, логистика, иқлим ўзгаришини кузатиш ва табиий офатларни башорат қилиш каби йўналишларда юқори самара беради.

Иқтисодий жиҳатдан қаралганда, космик дипломатия сармовий шериклик ва технологик трансфер учун янги платформадир. Туркиянинг “TÜRKSAT”, Қозғистоннинг “KazSat”, Озарбайжоннинг “Azerspace” ва Ўзбекистоннинг “UzSAT” тизимлари биргаликдаги лойиҳалар учун техник асос вазифасини бажариши мумкин. Бу жараёнда Туркий инвестиция форуми ва ТДТ Инновация жамағамаси катта роль ўйнайди.

2024 йилда Бишкек саммитида “Space Activities” бўйича меморандум имзоланди. ТДТ “CubeSat” лойиҳаси, “Turkic Space Explorers Academy” ва “GUEM” марказида ўтказилаётган ёшлар форумлари космик ҳамкорлиқни институционал даражага олиб чиқди. Шу билан бирга, Боку, Анкара ва Тошкентда ўтказилган халқаро космик конференциялар ТДТнинг илмий дипломатия платформасини кенгайтирди.

Космик дипломатиянинг муҳим жиҳатларидан бири унинг минтақавий барқарорлик ва инновацион тараққиётга кўрсатаётган таъсиридир. Ахборот хавфсизлиги ва масофавий кузатув имкониятлари ошиши

табиий офатлар, миграция ёки экологик инқирозларга тезкор жавоб қайтариш имконини беради.

Шу билан бирга, бу ҳамкорлик туркий мамлакатларда ёш авлоднинг фан, техника ва инновацион соҳаларга қизиқишини кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда. ТДТ томонидан йўлга қўйилган “TurkSpace” таълим дастурлари ва ёш олимлар алмашинуви ташаббуслари нафакат космик соҳадаги билимларни оммалаштириш, балки туркий мамлакатлар ёшларини замонавий илмий тадқиқот фаолиятига жалб этиш, глобал инновацион жараёнлардаги иштирокини таъминлашга қаратилган.

Ушбу дастурлар доирасида талабалар ва ёш муҳандислар учун амалий машғулотлар, симуляция лабораториялари ва спутник технологиялари бўйича махсус курслар ташкил этилмоқда. Шунингдек, туркий мамлакатлар олий таълим муассасалари ва илмий марказлари ўртасидаги ҳамкорлик орқали қўшма илмий лойиҳалар йўлга қўйилмоқда. Бундай сый-ҳаракатлар натижасида ТДТ мамлакатларида космик фан ва технологиялар соҳасида билимли, инновацион фикрлайдиган ва илмий изланишга мойил янги авлод кадрларини тайёрлаш учун мустаҳкам замин яратилади. Шу тариқа “TurkSpace” каби таълим ташаббуслари нафакат ёшлар салоҳиятини ривожлантириш, балки туркий дунё илмий интеграциясини чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Инновацион ривожланиш нуқтани назаридан, космик дипломатия янги авлод иқтисодиётга олиб борувчи стратегик йўналишидир. У илмий ишланмалар, стартаплар, сунъий интеллект ва маълумотлар таҳлили соҳаларида ҳамкорлик учун янги майдон яратди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, космик дипломатия ташқи сиёсатнинг янги йўналишларидан бири бўлиб, давлатлар ўртасида космик технологиялар, маълумот алмашуви ва илмий тадқиқотлар асосида ҳамкорлиқни ўз ичига олади. Халқаро миқёсда бу соҳа тинчлик, барқарор ривожланиш ва илмий тараққиёт мақсадларига хизмат қилади. Космик дипломатия туркий давлатларнинг технологик ва сиёсий интеграциясини чуқурлаштиришнинг янги механизми. Сиёсий жиҳатдан мазкур ҳамжиҳатлик ва суверенитетни мустаҳкамловчи дипломатик амалиёт бўлса, иқтисодий жиҳатдан инновацион иқтисодиётга ўтish учун платформа ва илмий жиҳатдан билимлар алмашинуви ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш воситасидир.

Туркий давлатлар ташкилоти космик дипломатияни ўзининг стратегик йўналишига айлантириб, ёшлар, илм-фан ва технологиялар орқали минтақавий бирлашувини янги босқичга олиб чиқмоқда. Аммо муваффақият учун молиявий, техник, ҳуқуқий ва сиёсий соҳалардаги муаммоларни ечиш ушбу йўналиш истиқболини белгилаб беради. ТДТ доирасидаги космик ҳамкорлик минтақавий барқарорлиқни таъминлаш билан бирга туркий давлатларнинг халқаро нуфузини ҳам оширади.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Долзарб мавзу

Ер — умуммиллий бойлик, мамлакатимизда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер муносабатлари соҳасида қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун махсус ваколатли давлат органлари томонидан ерга оид қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва тегишли чоралар кўриш турли шаклларда амалга оширилади.

Махсус ваколатли органлар томонидан тезкор ҳамкорлик йўлга қўйилмагани оқибатида маълумотлар ягона тизимда шакллантирилмай, соҳа тўлиқ қамроват қилинмай қолаётганди. Бу эса, ўз навбатида, ер участкаларидан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар талон-тарож қилинишининг олдини олиш учун мазкур жараёнларга ахборот технологияларини кенг жорий қилиш, соҳада назоратни таъминлашда инсон омилли аралашувини камайитириш заруратини пайдо қилаётди.

Ер назорати соҳасидаги мазкур жараённи амалга ошириш ва соҳада қузатилиши мумкин бўлган коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда Президент ҳузурида жорий йил 29 июлда бўлиб ўтган йилгилишда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 сентябрдаги “Ерга оид муносабатларда коррупциявий омилларни бартараф этиш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга биноан, бу борада янги тартиб-таомиллар белгиланди.

Қарорга асосан давлат ер назорати Вазирлиги Маҳкамаси ҳузуридаги Агротехнологик мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги,



“Е-УЕР НАЗОРАТ”

ЕР МУНОСАБАТЛАРИ БОРАСИДА ИНСОН ОМИЛИСИЗ ШАФФОФ ВА ҚУЛАЙ ЖАРАЁН

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

— Ер ресурсларини самарали бошқариш ҳар қандай давлатнинг қудрати ва тараққиётининг асосий пойдевори, — дейди халқаро эксперт Ричард Жойс. — Айнан шу омил мамлакатларда адолатли бошқарувни таъминлаб, барқарор иқтисодий ривожланишга йўл очади. Аммо коррупция ер тақсими ва уни бошқариш жараёнига тўсик бўлиб келмоқда.

Ўзбекистонда кейинги йилларда бу борада муҳим фармон ва қарорлар қабул қилиниб, улар асосида ерларни тақсимлаш ва самарали фойдаланишда туб ислохотлар бошланди. Бу ҳужжатлар шаффофлик ва очиқлиқни таъминлаш билан бирга давлат идоралари, хусусий сектор ва фуқаролар ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаб, адолат ва тенглик тамойилларини қарор топтиришга хизмат қилади. Фуқаролар энди ер тақсими ва ердан фойдаланиш жараёни ҳақиқатан адолатли амалга оширилаётганига ишонч ҳосил қилади.

Давлат идоралари эса қонун ва тизимни айланиб ўтишга уринган шахсларни ўз вақтида аниқлаш имконига эга бўлади. Бу эса мамлакатда қонунийлик ва адолатни таъминлайди.

— Ер қонунчилигига қатъий риоя қилини таъминлаш мақсадида Кадастр агентлиги томонидан ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш, улардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларини барвақт аниқлаш ва тегишли чора кўриш вазифасини бажаришда “Е-уер назорат” автоматлаштирилган ахборот тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди, — дейди Кадастр агентлиги директори ўринбосари Мирсаид Мирмақсудов. — Унга қадар барча ер назорати тadbирлари инсон омилли аралашуви билан қоғозда бажарилган бўлса, янги тизимда барча ҳолат автоматлаштирилган тартибда рўйхатга олинади. Ҳар бир ҳолат бўйича мантиқий яқунгача бўлган жараён назорат қилинади. Ушбу ахборот тизимининг афзаллиги шундаки, соҳада қоғозбозлик, коррупциявий омилларни бартараф этишга хизмат қилади.

Қарорга мувофиқ, энди “Е-уер назорат” автоматлаштирилган ахборот тизимига ер муносабатларига оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида киритиш ва ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида маълумотларни жойлаштириш учун Кадастр агентлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, “Ўзгастроинспекция”, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги

соҳасида назорат қилиш инспекцияси, Мажбурий ижро бюроси ва ҳудудий бўлинмалари ҳамда тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари масъулдир.

“Е-уер назорат” тизими — давлат ер назоратини юриштининг ягона электрон платформаси. 2026 йил 1 январдан бошлаб махсус ваколатли давлат органларининг ер қонунчилигига риоя қилмаслик, жумладан, ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаш, бино ва иншоотларни қуриш ҳолатларини барвақт аниқлаш, уларга тегишли чоралар кўришга оид вазифа ва функциялари фақат ушбу тизим орқали амалга оширилади.

“Ўзбеккосмос” агентлигига космик мониторинглар ўтказиш учун бюджетдан ҳар йили ўртача 10-15 миллиард сўм ажратилади. Бироқ ягона тизим бўлмагани сабабли ваколатли органлар космик маълумотлардан самарали фойдалана олмапти.

Энди космик суратларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш орқали аниқланган ерга оид қонунбузарлик эҳтимоли юқори бўлган ҳолатлар бўйича маълумотлар “Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали “Е-уер назорат” тизимига юборилади. Бунда “Ўзбеккосмос” агентлиги давлат космик мониторингини амалга ошириш бўйича тасдиқланган лойиҳалар доирасида ер

участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаш, бундай ерларда ноқонуний қурилмалар қуриш ҳолатларини бир йилда икки мартаба давлат бюджети маблағлари ҳисобидаан аэрокосмик мониторинг орқали аниқлайди.

Энди ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаш, бино ва иншоотларни қуриш билан bogʻliq ҳуқуқбузарлик даражасига қараб уч тоифага бўлинади.

Биринчиси, “қизил” тоифа — ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаш ҳамда ўзбошимчилик билан бино ва иншоотларни қуриш эҳтимоли юқори ҳудудлар. Иккинчиси, “сарик” тоифа — худди шундай эҳтимол ўртча ҳудудлар. Учинчиси, “яшил” тоифа — юқорида қайд этилган ҳолатлар эҳтимоли паст ҳудудлар.

“Қизил” тоифадаги ҳудудларда махсус дронлардан фойдаланган ҳолда ҳар чоракда камида бир мартаба, “сарик” тоифадаги ҳудудларда махсус самолёт ёрдамида ҳар олти ойда камида бир мартаба мониторинг кузатуви ўтказилади, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бартараф этилгунга қадар махсус ваколатли давлат органларининг асосий

куч ва воситалари сафарбар этилиши назарда тутилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат. Ерга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва ерларни муҳофаза қилишда жамоатчилик назорати кучайтирилади. Хусусан, маҳалла раислари ҳамда ҳоким ёрдамчиларига ҳудудда бошланган ёрдиш объектларнинг қонунийлигини аниқлаш бўйича қурилиш ва кадастр органларига “Е-уер назорат” тизими орқали сўров юборилади. Ердан ноқонуний фойдаланиш ҳолати бўйича профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича тузилган баённомани ушбу тизим орқали махсус ваколатли органга юбориш имконияти яратилади.

Шунингдек, “Е-уер назорат” тизими Ички ишлар вазирлигининг “Е-ma’nu’iy ish”, Олий суднинг “Adolat”, Бош прокуратуранинг “Е-material” ахборот тизимлари, Мажбурий ижро бюросининг ижро иши юритиши ягона электрон базаси ҳамда ҳокимликларнинг ижро интизоми идоралараро электрон тизими билан интеграция қилинади.

— Ҳужжатга кўра, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига муҳофаза этиллаган табиий ҳудудлар, ўрмонлар, миллий bogʻlar ва табиий объектларнинг муҳофаза ҳудудлари ҳамда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ташкил этилган bogʻларни ушбу платформа орқали назорат қилиш имконияти яратилмоқда, — дейди вазирлик назорат инспекцияси бўлими бошлиғи Лазизбек Ҳасанов. — Бу платформа иш самарадорлигини оширишимизда ёрдам беради. Амалиётда ҳудудлар назорат қилинганда бирор ноқонуний ҳолат аниқланса, натижасини олиш, ҳужжатларнинг қайси ҳолатдалигини билиш қатор муаммолар туғдирар эди. Янги тизим туфайли энди иш самарадорлиги ва натижадорлиги ошади. Натижада ҳуқуқбузарлик аниқланганда бошлаб у бўйича чиқарилган қарор ижро этилишигача бўлган жараён ягона тизим орқали назоратга олинади.

Ушбу қарор ерга оид ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, коррупциявий ҳолатларда қеч қўйиш, идоралараро тезкор маълумотлар алмашиш, захира ва сугорилидиган ерларни алоҳида муҳофаза қилиш, давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, соҳада инсон омиллисиз шаффоф тизим яратиш ҳамда онлайн назорат жорий этишга хизмат қилади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Бешариқ туманининг Рапқон маҳалласида яшовчи Шахина Йигиталиева Ҳиндистонда ўтказилган пара-этлик атлетика бўйича жаҳон чемпионатида қатнашди. У найза улоқтириш баҳсида 41,97 метр натижа билан кучли учликдан ўрин олди.

ШИЖОАТ ВА МАТОНАТ ТИМСОЛИ

— Бундай нуфузли мусобақада муносиб иштирок этиш, Ватан шайини ҳимоя қилиш катта бахт, — дейди ёш спортчи. — Мукофотлаш жараёнидаги ҳис-ҳаяжонимни сўз билан ифодалаб бера олмаيمان. Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради. Албатта, бундан ғурурландим, устозларим, яқинларим ишончини оқлаганим, меҳнатим ва изланишларим бесамар кетмагани, тенгқурларим каби юрт қорига ярайдиган фарзанд бўлаётганимдан севиндим. Чунки бундай шарафли йўлни босиб ўтиш ва ғалабага эришиш осон кечгани йўқ. Отам қўлимдан етаклаб, Данғара туманидаги спорт мактабига олиб борган илк кунда мураббийлар “Чалқанча усулда акробатик машқларни бажара оласанми?” деб сўради. Иккиланмай бу жараёнларни кўрсатиб берганман. Ушанда 5-синфда ўқирдим. Шу сабаб бўлиб машғулотларга киришиб кетганман. Ҳали олдимизда қатор халқаро мусобақалар кутиб турибди. Айни кунда келгуси йили бўладиган Осиё ўйинлари, ёшлар ўртасидаги жаҳон



“Найза улоқтириш бир қараганда оддий кўриниши мумкин. Аммо мустақил жисмоний тайёргарликсиз, ишонч ва аниқ мақсадларсиз натижага эришиш қийин. Айтишларича, спортчи найза улоқтираётганда шамол тезлигини ҳис қилган ҳолда керакли амалларни бажара олиши муҳим экан.

чемпионати баҳсларига ҳозирлик кўряпмиз. Мақсадим — 2028 йилда АҚШда ўтказиладиган паралимпия ўйинларида муносиб иштирок этиш. Бунинг учун зарур шароит ва имконият етарли.

Табиатан ҳаракатчан Шахина бошланғич синфда ўқиб юрган чоғидаёқ спорт мураббийлари эътиборига тушди. Яқинлари меҳрини ҳис қилиб яшади, бировдан кам бўлмади, ҳаракат қилди, интилди, изланди. Унинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олган мураббийлар қизини найза улоқтириш машғулотларига жалб этди. Ёш спортчи бу йўналишда ҳам ўзига хос ютуқларни қўлга киритди. Бир неча бор вилоят, республика мусобақалари ғолиби бўлди, маҳоратини оширди, мамлакат терма жамоаси таркибига киритилди.

2021 йил ёш спортчи фаолиятида омадли йил бўлди. У Тунисда ўтказилган паралимпия ўйинларида қатнашиб, ғолиблар сафидан жой олди. 2023 йилда Хитойнинг Ханчжоу шаҳри меҳмонлик қилган

ХИХ ёзги Осиё ва IV Параолимпия ўйинларида 40 метру 90 сантиметр натижа билан чемпионлик шохсупасига кўтарилди. Ўтган йили Парижда бўлиб ўтган XVII ёзги паралимпия ўйинларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди. Матонатли спортчи нуфузли баҳсларнинг энг ёш иштирокчиси бўлишига қарамай, қумуш медални қўлга киритди. Бундай беллашувлар спортчини ҳар жиҳатдан чиниктирди, маҳорати, ғалабага ишончини оширди.

— Шахина бошқа спортчи ёшлардан ҳаракатчанлиги, мақсади йўлида қийинчиликлардан кўрқмаслиги, иродаси мустаҳкамлиги билан ажралиб туради, — дейди спорт мураббийи Азизбек Норматов. — Шу боис, у билан машғулотлар ўтказиш, белгиланган марралар сари қадам ташлаш осон. Спортда куч ва маҳоратдан ташқари, билим, ҳозиржавоблик, ҳолатни мустақил баҳолаш, қарор қабул қилиш муҳим. Бунинг учун спортчи фанларни яхши ўзлаштира олиши, тафаккури кенг бўлиши талаб этилади. Шахина бу соҳада кўпга намуна бўлиб келади. Қолаверса, у бошқа спортчилар билан тез дўстлаша олиши, жамоадаги аҳиллик, иноқлик ришталарини боғлашда фаоллиги билан ҳурмат қозонган.

Найза улоқтириш бир қараганда оддий кўриниши мумкин. Аммо мустақил жисмоний тайёргарликсиз, ишонч ва аниқ мақсадларсиз натижага эришиш қийин. Айтишларича, спортчи найза улоқтираётганда шамол тезлигини ҳис қилган ҳолда керакли амалларни бажара олиши муҳим экан.

— Мағлубият ҳар қандай спортчини чиниктиради, фақат олдинга қўйилган мақсад сари интилиш керак, — дейди ёш спортчи. — Устозларим кўмағида натижаларимни ангиллаш, хато ва камчиликларни бартараф этиш устида ишлаяпмиз. Спортга шунчаки вақт ўтказиш учун бориш керак эмас. Инсон шу йўлни танладими, ҳаракат қилиши, ўз устида ишлаши, эришган марралари билан чекланмай, олға интилиши керак. Майдонда фақат кучлиларга омад қилиб бoқaди.

Матонатли спортчи ҳақида мақола тайёрлаш жараёнида яқинлари билан ҳам суҳбатлашдик.

— Бир қўли ногирон бўлиб дунёга келганида қизимнинг кейинги тақдирини ўйлаб тушунликка тушгандим, — дейди хонадон бекаси Дилноза Турдалиева. — Шукр, яқинларим елкадош бўлди. Бунда ҳам бир ҳикмат бор деб қўнглимни кўтариб, қўллаб-қувватлашди. Қизим бугун нафақат оиламиз, балки маҳалламиз фаҳрига айланди. Мусобақалардан шода-шода медаль билан келган кунлари хонадонимизда байрам бўлиб кетади. “Олтин авлод” сафида фарзандим ҳам борлиги қўнглимга ғурур, ифтихор бағишлайди, албатта.

Ҳар қандай ғалаба ортида машаққатли меҳнат, интилиш ва иштиёқ муҳассам. Мақсад тўғри танланса, юксак натижалар қўлга киритилаверади. Шундай экан, улкан марралар сари интилаётган маҳоратли спортчининг ғалабали юришлари ҳали давом этади.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Миллий давлатчилигимиз тарихидан

2025 йил
25 октябрь, 219-сон



Янги таҳрирдаги Конституциямиз муқаддимасида “давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибаси, шунингдек, жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий мероси” алоҳида таъкидланади.

БУЮК ТЕМУР САЛТАНАТИ

Ўзбек миллий давлатчилик тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан доврқ қозонган улуг зотлар кўп. Улар ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутди. Ана шундай зотлардан бири, ўз халқининг азалий орзусини рўёбга чиқариб, элу юртни босқинчилар зулмидан озод этган халоскор, буюк давлат арбоби ва моҳир саркарда Амир Темурдир.

Амир Темур ўз даврида турли маданият ва динга мансуб халқларни бирлаштириб, буюк теурийлар салтанатига асос солган. Салтанатда илм-фан, маданият ва санъат равнақ топган. Бу эса жаҳон олимлари ҳамда сиёсатшунослари томонидан юқори баҳоланган. Унинг марказлашган давлатни вужудга келтириш йўлидаги тажрибаси ва эришган ютуқларини бугун ҳам дунё эътироф этмоқда.

Амир Темур ибн Амир Муҳаммад Тарагай миллодий 1336 йил 9 апрель кунини Кеш (ҳозирги Шахрисабз) яқинидаги Хўжайилгор қишлоғида туғилди. Унинг отаси Муҳаммад Тарагай Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта нуфузга эга барлос қавми оқсоқолларидан бири бўлган. У 1360 йилда вафот этган ва Кеш шаҳрида дафн этилган. Амир Темурнинг онаси Текина хотун, (Такина бегим, Такина Моҳбегим) наслу насаб жиҳатдан аслодлардан бўлган.

Амир Муҳаммад Тарагай ўғли Темурнинг ёшлигидан илм олишига эътибор берган. Болалигидан оғир-босиқ, зехин ўткир, шошмай фикрлайдиган Темурбек дастлаб мадрасада сабоқ олди, саводини чиқарди, устозлар назоратида камон дастасини ушлаш, ўқ

ўрганишимиз керак. Ўтмишда йирик давлат арбобларининг ҳаммаси ҳам жанг қилган, лекин уларнинг кўпчилиги бу жанглار натижасида мамлакатни харабага айлантирган. Амир Темур эса жанглар туфайли вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларни обод қилди, боғлар барпо этди, фан ва маданиятни ривожлантирди”.

Тарихий маълумотлар гувоҳлик беришича, Амир Темур ўттиз беш йиллик (1370-1405) ҳукмдорлиги даврида дунёда энг йирик — Марказий Осиёдан то Ўртаер денгизгача, Кичик Осиё ва Шимолий Кавказнинг катта қисмини ўз ичига олган марказлашган давлат тузди. У умрининг аксарият қисмини ҳарбий юришларда ўтказди. Амир Темурнинг бу ҳарбий юришлари тарихда “уч йиллик” (1386-1388), “беш йиллик” (1392-1396) ва “етти йиллик” (1399-1404) ҳарбий юришлар сифатида ном қолдирган. У мағлубият нима-лигини билмаган ғолиб саркарда сифатида бирор халққа қарши эмас, балки Мовароуннахрни сиёсий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан бирлаштириш, уни озод ва обод этиш, эл-юрт хавфсизлигини таъминлаш учун ҳарбий юришлар қилган.



“Буюк Темур томонидан Самарқандда Кўксарой, Бибихоним масжиди ва мадрасаси каби кўплаб иморатлар бунёд қилинди. Самарқанд атрофида Боғи Шамол, Боғи Дилқушо, Боғи Чинор, Боғи Беҳишт ва Боғи Нав каби боғлар барпо этилди.

узиш, найза тутиш, отларни саралай олиш, шикор (ов) уюштириш, чавандозлик ва қиличбозлик сирларини ўрганди.

Темурбек мадрасанинг бошланғич даврини муваффақиятли тамомлагандан сўнг таҳсилни олий мадрасаларда давом эттирди. Илм олиш жараёнида у тарих, ислом таълимоти ва ҳуқуқшунослиги, ҳандаса, риёзиёт, жүгрофия ҳамда фалакийёт илмларини ҳам пухта ўрганиб, маънавий қарашларини оқсаттирди. Шу боис, Темурбекнинг ёшлиқда олган таълим ва тарбияси унинг кейинги фаолиятида жуда катта ижобий роль ўйнаган.

Амир Темур ўз даврида қудратли ва мустаҳкам марказлашган давлатга асос солди. Зеро, давлат қудратли бўлмаса, бетакорр маънавий мерос ҳам, муҳташам бўидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмас эди. Ўйиборига молик жиҳати, Амир Темур давлат ишларини қонун-қоидаларга таянган ҳолда бошқариб, турли табақага мансуб қатламлар ҳақ-ҳуқуқларини қонунан ҳимоя қилиш тизимини йўлга қўйди. Бу ҳақда “Темур тузуқлари”да ҳам батафсил маълумотлар келтирилган.

Масалан, “Давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомини мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият, ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиқига даъвогарлик қила олмади”, дейди.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, қонун устуворлиги мамлакатнинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилган. Шу боис, Соҳибқироннинг нафақат давлат бошқаруви ва ҳарбий санъати, балки бунёдкорлик ва ободончилик фаолияти ҳам кўп асрлар давомида Шарқу Ғарбда ўрнатилган ва андоза бўлган. Бу ҳақда покистонлик жамоат арбоби, журналист Ханиф Рамей бундай фикр билдирган: “Давлат тузиш тартибини Амир Темурдан



улар билан мактуб алмашган. Бу хусусда аниқ тарихий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, улар бизгача етиб келган. Масалан, Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI га йўллаган хатида “Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илик қарши олиб, иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазийқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Зеро, дунё савдо аҳли ила обод бўлажак” мазмундаги фикрлар қайд этилган.

Амир Темур давлати ташқи сиёсатининг кўлами кенглигини, халқаро нуфузи баланд эканини аниқлатади.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида қадимий Туронда нафақат илм-фан, маданият ва санъат, балки шаҳарсозлик, меъморлик соҳалари ҳам равнақ топган. Айниқса, бунёдкорлик ҳамда ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, жамият аъзолари ҳаётини яхшилаш ва турмуш фаровонлигини оширишга ҳаракат қилинган. Амир Темурнинг бунёдкорлик ва ободончилик фаолияти унинг маънавий-маърифий қарашларини кўрсатадиган муҳим омиллардан биридир.



Бунинг ёрқин далили сифатида қуйидаги мисолларни келтириш мумкин.

Буюк Темур томонидан Самарқандда Кўксарой, Бибихоним масжиди ва мадрасаси каби кўплаб иморатлар бунёд қилинди. Самарқанд атрофида Боғи Шамол, Боғи

Дилқушо, Боғи Чинор, Боғи Беҳишт ва Боғи Нав каби боғлар барпо этилди. Шунингдек, Зарафшон, Амударё ва Сирдарёда кўприклар қурилди. Тошкент атрофида каналлар ўтказилди. Бухоро, Шахрисабз, Фарғона, Туркистон (Ясса) ва бошқа шаҳарларда карвонсаройлар, ҳаммомлар, мақбаралар, мадрасалар, шаҳарлараро карвон йўлларида работлар, сардобалар қурилиб, савдо ривожига шароит яратилди.

Албатта, бу тадбирларнинг барчаси халқ ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилаш, маънавий-маданий дунёқарашини кенгайтириш, эътиқоди ва давлатга бўлган ишончи мустаҳкамланишига хизмат қилган.

Тарихий маълумотларга кўра, қадимда ҳукмдорлар катта ғалабасини ўз ота-онаси, валиҳа шахзодаларнинг туғилиши ёки бошқа воқеа шарафига бағишлаб, эсдалик сифатида катта қасрлар, масжиду мадрасалар ҳамда хонақоҳлар тиклаган. Ушбу анъанага Шарқда айнан Амир Темур асос солган. Шу ўринда Шахрисабздаги Оқсарой қасрининг бунёд этилишига қисқача тўхталасан. Унинг қурилиши 1380 йил баҳорида машҳур меъмор Муҳаммад Юсуф Табризий етакчилигида бошланган. Қасрнинг дастлабки ғиштини Мир Саид Бараканинг фатвоси билан Амир Темурнинг ўзи қўйган.

Оқсарой 20 йил мобайнида қурилган. Сарой иккита йирик равоқдан иборат бўлиб, 38 метрдан сўнг кубба шаклида бирлаштирилган. Икки арқининг оралиғи 22,5 метрни ташкил этган. Уша давр солномаларида ёзилишича, Оқсарой дунё подшоҳлари томонидан барпо этилган энг гўзал ва маҳобатли иморатлардан бири бўлган. Оқсаройнинг кошникор ва парникор пештоқнинг гулдор нақшлари орасига “Агар бизнинг қувват ва қудратимизга ишонмасанг, қурган иморатларимизга боқ”, деган хитобнома битилган.

Мазкур сарой ҳақида тўлиқ маълумот Руи Гонсалес де Клавихо томонидан берилган бўлиб, у Шахрисабзга келади ва Оқсаройни дунё маданиятининг энг буюк санъат асарларидан бири сифатида баҳолайди. У ўз кундаликларида Оқсаройнинг гўзаллиги ва маҳобатидан ҳайратланиб: “...Зеро, бутун бино зарҳал ва ложувард билан қопланган бўлиб, у ерда саройнинг шунча бўлма ва оромгоҳларини кўрсатдиларки, улар ҳақида жуда узоқ сўзлаш мумкин. Сарой зийнатлари олтин ва бошқа ранглардан ҳайратомуз ишланган эди. Хатто моҳир усталари билан жаҳонга машҳур бўлган Парижда ҳам бу иш жуда гўзал ҳисобланган бўлар эди”, деб алоҳида таъкидлайди.

Афсуски, ҳозир ушбу улкан тарихий обиданинг харобаларигина сақланиб қолган. Шунга қарамай, саройнинг бугунги кундаги тарихий, маънавий ҳамда маданий аҳамияти сақланиб, Ўзбекистон ёшларига ушбу улуг замонга назар ташлаш, ундан куч ва илҳом олишга имконият бермоқда.

Амир Темур ва теурийлар даврида барпо этилган меъморий обидида ва тарихий иншоотлар шундай жойлаштирилганки, уларнинг геометрик шакли ва географик жойлашуви жиҳатидан шаҳарнинг гўзаллиги ҳамда ахиллиги таъминланган. Замонавий тил билан ифодаланганда, бу жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган “сити” тушунчаларининг муқаммал бошланиши дейиш мумкин.

Амир Темур маънавий-маърифий, бунёдкорлик фаолияти билан Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ халқлари маданиятини юксалтириб, жамият маънавий ҳаётига ижобий таъсирини кўрсата олган. Амир Темур даврида Самарқанд, Шахрисабз, Бухоро, Тошкент ва бошқа ҳудудларда бунёд этилган нодир меъморий обидалар нафақат ўша давр, балки бугунги кунда ҳам Ўзбекистонга ташриф буюраётган чет эллик сайёҳларнинг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда. Ушбу маданий ёдгорликлар замонавий Ўзбекистоннинг қадимги тарих билан боғлайдиган “олтин кўприги” дейилса, ҳақ бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур замонида маданият, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат, музика, шеърят беқиёс даражада ривож топган. Шу боис, Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида Амир Темур даври Иккинчи Ренессансга тамал тоши қўйилган давр ўлароқ эътироф этилади. Демак, бугунги кунда, яъни янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ва мамлакатни янги ривожланиш босқичига кўтариш жараёнида жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган улкан давлат асосчиси Амир Темур даврини, унинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Комилжон СУЛТОНОВ,
Теурийлар тарихи давлат музейи илмий ходими

6

2025 йил 25 октябрь, 219-сон

МЕЗОН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

z_news

yuz

Миллат Фахри

Салим АШУР,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Мамлакатимизда бу йил ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 36 йил тўлди ва Ўзбек тили байрами кўни алоҳида кўтаринки кайфиятда нишонланди. Таълим муассасалари, маҳаллалар, ёшлар ташкилотлари ҳамда барча меҳнат жамоаларида она тилимизга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳодимлари йўлларда автотранспорт эгаларини қоидабузарлик учун эмас, уларни давлат тили қоидаларини бузмасликка, давлат тили қоидаларига риоя қилишга даъват этиб тўхтатди. Автотранспорт бошқарувчиларини Ўзбек тили байрами билан табриклаб, уларга энг яхши адилларнинг энг нуфузли наشريётларда чоп этилган энг яхши китобларини совға қилди.

Ўзбек тилининг обрў-эътибори

Халқимизнинг қудратли қаноти

Салим АШУР,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Шу ўринда беихтиёр улуг адиб Абдулла Қаҳҳорнинг "Йўл қоидасини бузганга назоратчи хуштак чалади-ю, тил қоидасини бузганга нега ҳеч ким хуштак чалмайди" деган аңчиқ кинояси ёдга тушади. Бу гап айтилганда халқимиз ҳам, тилимиз ҳам истидод зулмидан азият чекарди... Бугун истиқлол замонида эса она тилимиз миллат руҳиятининг қудратли қанотиға айланмоқда.

Ўзбек тили байрами кўни пойтахтимиздаги Адиллар хиёбонида эрталабдан кечгача байрам шукуҳи ҳукм сурди. Дастлаб Ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, она тилимизнинг жонқувурлари ва фидойилари гуллар, гулчамбарлар қўйди ва улуг шоир сиймосида ўзбек тилига самимий эҳтиром кўрсатди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамкорлигида Адиллар хиёбонида улуг адибларга қўйилган ҳайкаллар олдида таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирокида адабий-бадний учрашувлар, мушоиралар, ўзбек тилининг серқирра жилоси ҳақида қизқарли суҳбатлар давом этди. Ўзбек тилининг кўрку таровати мадҳ этилган жарангдор шеърлар ўқилди. Давлатимиз раҳбарининг "Она Ватанга муҳаббат ва садоқат она тилига муҳаббат ва садоқатдан бошланади" деган сўзлари шу масканда яна бир бор ўзининг ҳаётий исботини топди.

Конституцияимизнинг 1-боб 4-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили

Мулоҳаза

Бугунги давр тарих саҳифаларидан том маънода “ахборот асри” сифатида аллақачон ўта мустақкам ўрин олишга улгурди ва шиддат билан давом этаётир. Зотан, биз ҳар қандай соҳада заруратга айланган интернет, мобил қурилмалар ва ижтимоий тармоқлар даврида яшаямиз. Бу ишлаш, ўқиш, турмушта катта ва қулай имкониятлар яратгани ҳам исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат. “Аммо ундан қандай фойдаланяймиз?” деган савол ҳам жўн масала эмас.

Ҳап шундаки, заруратга айланган мобил қурилмалар орқали тарқалаётган саноксиз видео ва ёзма хабарларнинг улкан оқими одамлар, айниқса, болалар ва ўсмирлар руҳиятида катта буҳронни юзага келтираётир. Зеро, бу одамлар ҳаётида асосий ўрин эгаллаган технология тарққети ҳамада ахборот, маълумотларни тўп-лаш, қайта ишлаш ва тарқатиш, уларнинг инсон онига ижобий ёки салбий таъсири билан боғлиқ узлуқсиз жараёндан иборат. Ишончли манба саналган босма нашрлар, хусусан, китоблар ўринни энди кенг миқёсда интернет нашрлар, ижтимоий тармоқлар эгаллаётганини қайта-қайта таъкидлаш ҳам шарт эмас. “Интернет ёмон, кўпроқ босма нашрларни ўқиш керак” каби жўн қарашдан ҳам йироқмиз.

Аслида, инсоният яратган ихтиро, кашфиёт ва технологиялар энгу мақсадга қаратилган бўлади. Аммо технологиянинг ривожлантириш учун янги меҳнат қуроллари, ишлаб чиқариш материаллари ва замонавий ишлаб чиқариш усулларини яратиш ҳамда татбиқ этишга қаратилган техник тараққиёт бутун иккиёқлама манзара касб этмоқда. Бу масалани олимлар ва мутахассислар мунтазам муҳокама қилаётгани ҳам бежиз эмас. Чунки янги ҳикматда айтилганидек, “Ҳар қандай таёқнинг иккита учи бўлади”.

Техник воситаларнинг ҳаёдаги ўрни ва таъсирига оид илмий тадқиқотларидан бирида технология бир восита экани таъкидланади. Агар ундан фойдаланиш жараёни назорат қилинмаса, таҳлил этилмаса, салбий жиҳатларининг олдини олиш борасида керакли чора-тадбир кўрилмаса, жамият ўта жиддий муаммоларни гирдобига тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Шу боис, ўзимиз яратётган ва кенг қўламда фойдаланаётган технологияларга масъулмиз.

Иллат излаганга иллатдир дунё

Ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар бир томондан мулоқот ва ахборот алмашиш имкониятини кенгайтирса, иккинчи томондан ёлгон, сохта ва тескари талқин қилинган хабарлар, бузғунчи қарашларни тарқатишга ҳам хизмат қилмоқда. Буни кимлардир моддий ёки сиёсий манфаат туфайли, кимлардир шунчаки эрмак учун амалга оширади.

Биз тасаввуримизга ҳам сиғдира олмайдиган янгиликлар, маълумотлар оламини ўрганаётган мутахассислар “ахборот қўпиги” атамасини қўллайди. Уларнинг изоҳлашича, бу шундай ҳолатки, интернетдан фойдаланувчилар одагга ўз қараш ва қизиқшларига мос келадиган ахборотни қидира бошлайди. Натижада муқобил нуқтан назардаги билан алоқани йўқотади, уларни “кўрмайди”. Чунки интернетдаги қидирув тизими ва ижтимоий тармоқлар алгоритми фойдаланувчининг хатти-ҳаракатларига кўра ишлайди. Яъни сиз сўраётган маълумотларни “рақамлар портрети”дан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиб, шунга яқин контентларни чиқариб беради. Бир хил мазву, бир хил муноса-

батдаги бош-охир ийў ёпиқ ахборот макони атроф-оламнинг қарашларинг аслидан йироқ, бир томонлама манзараси пайдо бўлади.

Тарихда яхши мақсадда, дунёни, жамиятни яхши томонга ўзгартириш учун қилган ихтироларидан кейинчалик қаттиқ афсусланган олимлар ўтган Ҷумладан, таниқли олим Альфред Нобель тоқ-сон ишларида фойдаланиш учун динамитни ихтиро қилган. Аммо кейинчалик ундан кўпроқ ҳарбий мақсадда фойдаланишга ўтиб кетилган, бунда ўзини айбдор ҳис этиб қийналган. Шу боис, халқлар ўртасида биродарлик, илм-фан йотқларидан фақат тинч мақсадда фойдаланишга қаратилган Нобель мукофотини таъсис этганини ҳам кўпчилик билади.

Интернет ва ижтимоий тармоқлардан саводли фойдаланиш мазвусига қайтамиз. Бу борадаги техник воситалар фойдаланиш учун қулай, тез ва осон. Фан, таълим, тадбиркорлик ва ҳоказо йўналишлар ривожига, тезкор қарор қабул қилиш, билм ва гоьлар алмашишга кўмак беради. Лекин чексиз ва ўта шиддатли ахборот оқимида инсон тўғри йўлдан бир зумда адашиб кетиши эҳтимоли жуда катта. Қолаверса, бу хабарлар ҳар доим ҳам ишончли ва фойдали эмас. Вақтни беҳуда кетказиш, дуч келган нарсаларни кўриш ва ўқининг саломатликка, жумладан, руҳиятга салбий таъсири ҳақида қидирма ҳам бўлади.

Шу маънода, ахборот асри бир томондан исталган соҳада маълумот, ахборот олиш учун улкан майдон бўлса, иккинчи томондан тафаккур синови дейиш мумкин. Биз жонли, юзма-юз сўзлашув маданиятини, тартиб-қоидасини унутиб, ўзимиз тўлиқ англамайдиган виртуал оламга шўнғиб кетамиз. Ижтимоий тармоқларда фойдасиз, беъмани маълумотлар, айрим рекламалар каби “секин портайдиган бомба”, яъни онг остига сездириб жойлашиб оладиган зарарли гоьлар ҳам оз эмас. Тасаввуримиздагидан ҳам гоьт улкан ахборот ҳажми биринчи галда асаб тизимига салбий таъсир этиши, асабийлик ва тажовузкорликни кучайтиши тадқиқотларда тегишли исбот ва далиллар билан қайт этилмоқда. Виртуал суҳбат-дошларни эса қўлдан тугтиб бўлмайди, улар исталган пайтда ўйларингизга, дунёга, одамларга қарашларингизга таъсир кўрсата олади.

Ким нени изласа, топар бегумон

Интернет маълумотларни сақлаш ва тарқатиш учун мўлжалланган глобал тизим. Демак, ундаги маълумот ва ахборот қўламини галактика қўламига қиёслаш мумкин. Жорий йил аввалдаги маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг 68 фоизи (5,6 миллиард киши) интернетдан фойдаланмоқда. Мамлакатимизда эса бу кўрсаткич 95 фоиз деб кўрсатилган.

Таригот жуда катта куч. Ижтимоий тармоқлардаги барча ёзишма, хабар ва

изоҳлашга кучли таъсир кўрсатади. Бу инсоннинг ички субъектив қарашлари бўлиб, дунёни, атроф-муҳитни ана шу қарашларидан келиб чиққан ҳолда баҳолайди. Масалан, қор ёки ёмғир кимлардидир ҳаяжонли, романтик туйғуларни уйғотса, мўл ҳосил гарови деб билса, бошқа бировлар учун фақат совуқ ҳавони, намгарчиликни юзага келтирадиган нохуш табиат ҳодисасидан бошқа нарса эмас.

Кўхна шаҳарларимиздан бирига саёхатга бориб келган бир гуруҳ ҳамюртимиз гурунгига сиз ҳам бир қулоқ тутинг-а:

— Қалай, шаҳар ёқдими? — дея атрофдаги ҳамроҳларидан сўрайди бири. — Меҳмонхоналари зўр экан... Ҳар қадамда кафе, ошхона... Балиқни пиширишни жуда болпаркан лекин.

— Ҳа, ўзгариб кетибди. Лекин бу ерда ҳам “пробка” кўп экан.

Бу пайт икки жувон ўзаро шивирлаб, олган буюмларини бир-бирига мақтарди:

— Тилла дўкондан мана бу зиракни олдим. Қаранг, ўн грамм экан. Буни дўгонларим кўрса, ўлиб қолади...

— Мен яхшиям эрталабдан бозорга борибман. Даҳшат гилам олдим. Худди шунақаси ўзимизда бир ярим баравар қиммат. Энди алоҳида келиб, ўнчага олиб, ўзимиздагидан сал арзон сотсам, талаш бўлиб кетади...

Хуллас, уларнинг шаҳар ҳақидаги таассуротлари, эътиборини тортган таътиллари таҳминан ана шундай гап-сўзлар атрофида бўлиб ўтади. Айни пайтда улар орасида кўхна шаҳар тарихи, қадимий иншоотлар, осори атиқалар, ўша даврдаги одамлар турмуш тарзи ҳақидаги маълумотлар қизиқиш уйғотган саёхатчилар йўқ деб бўлмайди, албатта. Асосий масала ким нимани излашида, нимани кўришни истаётганида.

Бундай ҳолат уларнинг кўрган-билганларидан, эшитганларидан қандай манфаат излаётганини аңглатар ёҳуд маънавий қиёфасини, тафаккур даражасини ақс эттирар, эҳтимол.

Мухими, бу цунамидек ахборот оқимида технологиянинг устуворлигидан ҳақиқий ҳаёт мазкурасинин, миллий ва умуминсоний қадриятларни унутмаган ҳолда фойдалана билишининг энг муҳим шарти бўлиб қолаверади. Халқимиз “Ниятигиниз, тилигингиз, айтар сўзингиз қандай шакл ва мазмунда бўлса, натижаки ҳам шунга яраша юзага чиқади”, деб бежиз айтмаган. Биз ашаётган оламдан, макондан оқиллик, эзулик қидирган инсон, албатта, унга дуч келади. Салбий, ёмон хатти-ҳаракат қидирган эса фақат шуларни топади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.

Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.

Газета тахририят компютер марказида саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1046.

34751 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов

Мусахҳис: Шерзод Маҳмулов

Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Ўза яқуни — 02:10

Топширилди — 03:00